

Рўзанинг уч даражаси



11:30 / 11.03.2024 9063

Руҳий тарбия устозлари барча амалларни ушбу қоида асосида баҳолайдилар. Мисол учун, тасаввуф китобларида «Рўза уч даражада бўлади, рўзанинг учта даражаси бор», дейилган. Биринчи даража – умум даражадаги, яъни оммавий рўза, авом халқнинг рўзаси. Иккинчиси – хосларнинг рўзаси, учинчиси – хосларнинг ҳам хосининг рўзаси. Ана шу рўзаларни гапириб боради-да, умумий рўза қорин ва фарз шаҳватини тийиш билан бўлади, дейди. Демак, қоринга ёки жинсий алоқага оид нарсалардан ўзини тийиш билан инсон омиларнинг рўзасини – умумий рўзани тутди. Мана шу маънода рўза очилишига сабаб бўладиган нарсаларни қилмаса, келтирмаса, рўзаси тугал бўлади, яхши бўлади, қабул бўлади.

Энди хосларнинг рўзаси қорин ва фарж шаҳватларидан ўзини тийиш билан бирга, зиёда равишда, кўз, қулоқ, оғиз, қўл, оёқ каби аъзоларини ҳам гуноҳ бўладиган нарсалардан тийиш орқали юзага келади, дейилади. Демак, хос рўза тутган одам фикҳ китобларида, шариатда кўрсатилган рўза тутиш шартларидан юқори равишда кўзини ҳам гуноҳлардан рўза туттириши керак, оғзини ҳам гуноҳ гаплардан, сўзлардан, ғийбатдан, бўҳтондан, тухматдан тийиш ила рўза туттириши керак. Қўлини ҳаромни ушлаш ёки уни истеъмол қилиш маъносида тийиб, қўлига ҳам рўза туттириши керак, оёғига ҳам, қулоғига ҳам, бошқасига ҳам.

Ана энди ўша умумдан юқори турадиган хосларнинг рўзаси ҳақида гап кетганда, мисол учун, Суфёни Саврий: «Ғийбат рўзани бузади», дейди. Ана шу ерда «Ғийбат рўзани бузади», дегани хосларнинг рўзасини тутиб, қорнининг, фаржининг шаҳватини тийиш билан бирга, кўзини ҳаромдан, оғзини ҳаромдан, қулоғини ҳаромдан, қўлини, оёғини ҳаромдан тийиб юрган одам ғийбат гап гапириб юборса ёки чақимчилик қилиб қўйса, ҳалиги хос рўзаси бузилади. Лекин ҳақиқий, Аллоҳ амр қилган фарз рўза бузилмайди, фақат савоби камаяди.

Мана бу тушунтиришсиз бир одам ўша тасаввуф китобларидан биттасини ўқиб бораётиб, у ерда хос рўза тўғрисида сўз кетаётган бўлса-ю, ичидан «Ғийбат рўзани бузади» деган сўз чиқиб қолса, «Ия, мен ғийбат қилиб қўйган эдим-ку. Ўтган йили ёки фалон пайтда фалончи ишни қилган эдим, демак, рўзам бузилибди-да, қазо рўзани тутишим керак экан-да», деган хулосага келмаслиги керак. Бу ердаги бузилиш омма рўзасининг бузилиши эмас, хос рўзанинг бузилишидир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф